
ВИЛОЯТИМИЗ ПИЛЛАКОРЛАРИ РЕЖАНИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИШДИ

Фарғона вилояти пиллакорлари томонидан бу йил 46 минг 436 қути ипак қурти парваришланди, 2 минг 795 тоннадан зиёд “қумуш тола” етиштирилиб, режа ортиғи билан бажарилди.

Ёзёвон, Бувайда, Бешариқ тумани пиллакорлари биринчилардан бўлиб маррага етиб келдилар. Ўртача ҳосилдорлик 60,2 кг ни ташкил этмоқда.

Ҳар бир килограмм пилла ҳосили учун бу йил 35 минг сўмдан тарози устида нақд пул тўлаб берилди. Эътиборлиси, дастлабки мавсумда соҳада 15 минг 183 нафар доимий, 89 минг 789 нафар мавсумий, жами 104 минг 972 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Хом ашё базасини яратиш мақсадида 12 минг 250 дона тут кўчатлари экиш режалаштирилган, баҳорги мавсумда 7 минг 370 туп тут кўчатлари экилган бўлса, 4 минг 880 туп тут кўчатлари куз мавсумида экилади.

Айтиш жоиз, вилоятда ишсиз ёшларни доимий иш ўрни билан таъминлаш, оилалар учун қўшимча даромад манбаи яратишда пиллачилик муҳим ўрин тутди. Йил мобайнида 2-3 марта ипак қурти боқиш натижасида йиллик меҳнат стажига эга бўлиш мумкинлиги йил сайин пиллакорлар сафи кенгайишини таъминламоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-14 14:26:15